

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5** “*импакт-фактор*” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Фалсафа фанлари

ИГАМБЕРДИЕВ Бекзод Мухаммадович

*Сирдарё вилояти, Гулистон туман Халқ таълими бўлими,
кадрлар бўйича инспектор, тадқиқотчи-педагог
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539168>*

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ МОДДИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЭҲТИЁЖЛАР

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобаллашув даврида маънавий-ахлоқий ва моддий қадриятларнинг ўрни ҳамда аҳамияти батафсил кўрсатилган. Маънавий-ахлоқий ва моддий қадриятларининг муҳим вазифалари таҳлил қилинган. Ушбу масаларни ҳал қилишда олиб борилган тадқиқотларга ва олинган тажрибалар натижаларига биноан, уларни глобаллашув даврида ёшларнинг камол топишида ва уларнинг таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш тажрибалари келтирилган ва учрайдиган муаммоларнинг ечими ифодаланган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, маънавий-ахлоқий қадриятлар, ахлоқ, ахлоқий қадриятлар, қадриятлар, маънавий ва моддий қадриятлар, моддий ва маънавий бойликлари.

ДУХОВНЫЕ И МАТЕРИАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ И ПОТРЕБНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье подробно описывается значение духовных, нравственных и материальных ценностей в эпоху глобализации. Решаются важные задачи духовных, нравственных и материальных ценностей. На основе результатов исследований и результатов полученного опыта решения этих вопросов представлены опыты их применения к воспитанию молодежи и ее образовательному процессу в эпоху глобализации и представлены пути решения проблем.

Ключевые слова: глобализация, духовно-нравственные ценности, этика, нравственные ценности, ценности, духовные и материальные ценности, материальные и духовные блага.

SPIRITUAL AND MATERIAL VALUES AND NEEDS IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION

ABSTRACT

The article describes in detail the importance of spiritual, moral and material values in the era of globalization. Important tasks of spiritual, moral and material values are solved. Based on the results of the researches and the results of the obtained experiences in solving these issues, the experiences of applying them to the growth of young people and their educational process in the era of globalization are presented and the solutions to the problems are presented.

Keywords: globalization, spiritual and moral values, ethics, moral values, values, spiritual and material values, material and spiritual wealth.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнида ўз таъсирини ўтказмаган соҳалар йўқ десак, тўғри айтган бўламиз. Чунки, дастлаб давлат иқтисодий ривожланиши назарда тутилган бўлса, ҳозирги кунда барча соҳаларни қамраб олган, ҳаттоки инсонларнинг кундалик турмуш жараёнларини ўзига қамраб олган.

Шундан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистон тараққиётида глобаллашув даврида маънавий ва моддий қадриятларнинг аҳамияти катта эканлигини тарихимиздан маълумки, мамлакат тараққиёти ва халқимизнинг турмуш тарзи ижобий ўзгарганлигини эътироф этиш жоиздир.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида мустақил Ўзбекистон тараққиётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг натижасида глобаллашув жараёни барча соҳаларни қамраб олди. Биринчи навбатда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодий мустақилликка эришишда ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди.

Бу эса йиллар давомида тараққиётни жадаллаштириш асносида кўплаб ислоҳатлар амалга оширилди. Мазкур ислоҳатлар негизида миллий-маънавий мерослар, миллий урф-одатлар ва миллий-маънавий қадриятларни тиклаш борасида интилишлар кучайиб борди.

Маънавий ва моддий қадриятлар – глобаллашув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистонда маънавий ва моддий қадриятларнинг аҳамияти бекиёслигини жамиятимиз тараққиётида ҳамда турмуш тарзимизнинг ижобий ўзгаришида кузатсак бўлади.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни жадал ривожланиши инсоният глобал муаммоларини ҳал этишнинг нафақат оптимал йўллари излаш, балки моддий ва маънавий қадриятларни асраш ва келажак авлодга етказиш каби масалаларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этмоқда.

Инсоният тарихидан бизга маълумки, ҳар бир жамият, миллат, халқ ўз келажиги, келгуси авлодларини юксак маънавиятли, илмли ва энг асосийси, бахтли бўлишлари учун курашади. Шунинг учун моддий ва маънавий қадриятларни ривожлантириш ҳозирги кунда долзарб масаладир [3]. Мазкур масалага тарихийлик, мантиқийлик ва тизимлилик тамойиллари нуқтаи-назаридан ёндошиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай ҳодисанинг ўзига хос хусусиятини аниқлашда унинг тушунча сифатидаги ўрни ва мазмунини объектив келиб чиқиши, ривожланиши ва ана шу тадқиқ этилаётган тушунчанинг объектив ёки субъектив хусусиятга эга эканлигини аниқлаш, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек тадқиқот жараёнида йўл қўйиладиган хатоларни олдини олиш билан бирга кўплаб ечимини кутаётган долзарб масалаларни ўрганишга кенг йўл очади.

Дастлаб глобаллашув атамасига тўхталсак, глобаллашув атамаси дастлаб XX асрнинг 80-йиллари бошлари иқтисодий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т. Левитнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди [1].

Глобаллашув кичик халқларга энг кучли зарба беради. Гап шундаки, кучли интеграция жараёнлари натижасида эски анъана ва урф-одатлар барбод бўлмоқда, кичик халқлар тилларининг коммуникатив функциялари кескин пасаймоқда. Аслида, бу тиллар фақат кундалик даражада қўлланилади. Шу боис ёш авлод ўз она тилида гапиришни истамайди.

Бу эса, вақт ўтиши билан ёшларнинг аجدодлари тилидан умуман воз кечишига олиб келади. Натижада, кичик халқларнинг маданияти ҳам аста-секин йўқолиб бормоқда, чунки тил маданиятнинг энг муҳим элементи ҳисобланади. Кўпгина халқлар бир тилда гаплашишига эътироз билдириш мумкин, лекин ўз маданиятига эга. Бу ҳақиқат, лекин шуни унутмаслигимиз керакки, улар глобаллашувдан анча олдин асрлар давомида ўзларининг маданий қадриятларини яратдилар.

Бундан ташқари, кичик халқлар иқтисодий, сиёсий ва бошқа сабабларга кўра объектив равишда ўз она тилларининг жонли фаолиятини сақлаб тура олмайди. Глобаллашув ягона ахборот маконининг шаклланишига олиб келди. Аммо бу ахборот маконининг ўзи аслида бир қанча ривожланган давлатларга тегишли бўлса-да, аксарият давлатлар бундан маҳрум. Ҳар бир давлат ахборотни ўз манфаатлари йўлида қайта ишлайди.

Ўз ахборот каналига эга бўлмаган халқлар ахборотни бошқа давлатлардан олаётгани учун уларда миллий эмас, балки ўз маънавий кадриятларини менсимайдиган мустамлакачилик менталитети ривожланади [2].

Шуни таъкидлаш керакки, глобаллашув бутун дунёда турлича баҳоланади. Баъзилар глобаллашувни жуда салбий баҳолайдилар. Улар глобаллашув ривожланган давлатлар томонидан татбиқ этилган деб ҳисоблайдилар, чунки улар бундан фойда кўрадилар. Глобаллашувга қарши ҳаракат биринчи навбатда ривожланган давлатларга қарши қаратилгани бежиз эмас. Глобаллашув инсоният жамиятлари ривожланишининг объектив жараёнидир. Ҳар бир халқ бебаҳо ва ўзига хос маънавий-тарихий тажриба посбонидир, агар глобаллашув натижасида миллий маданиятлар йўқ бўлиб кетса ва фақат маънавий ҳаёт намоён бўлишининг стандартлаштирилган шакллари қолса, инсоният охир-оқибат ўзининг ҳақиқий борлигини йўқотиши мумкин.

Қадрият тушунчаси нафақат тарихимиз учун муҳим ҳисобланмай, балки ҳозирги кунимиздаги, яъни глобаллашув даврида тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади. Инсоният учун энг қадрли бўлган қадрият ҳаёт қадри билан чамбарчас боғлиқ бўлган маънавий ва моддий қадриятлар мавжуд бўлиб, уларнинг глобаллашув даврида энг муҳим бўлган эҳтиёжлар қаторига киради.

Моддий қадриятлар инсонларнинг яшаши ва ривожланиши учун моддий неъматлар қанчалик зарур бўлса, маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳам муҳим ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий қадриятлар миллий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, диний, эстетик ва фалсафий қадриятлардан иборат.

Эҳтиёжлар – организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, умуман жамиятнинг ҳаёт фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган нарсаларга талаб, муҳтожлик. Назарий ва амалий иқтисодиётнинг фундаментал категорияларидан бири. Эҳтиёж субъект билан унинг фаолияти ўртасидаги боғланишларни ифода этади ва мақсадлар, майллар, интилишларда ва пировардида ҳатти-ҳаракатлар, феълатворда юзага чиқади. Фаолият соҳасига қараб меҳнатга, билимга, мулоқотларга; объектига қараб моддий, маънавий; субъектига коўра якка (шахсий), гуруҳий, жамоавий, ижтимоий бўлиши мумкин. Эҳтиёжнинг умумий қонунияти – уларнинг умуман бевосита инсон фаолиятига, хусусан, ижтимоий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлишидир. Айни пайда фаолликка ундовчи куч бўлган эҳтиёж, ўз навбатида, ҳаёт шароитларига танлама таъсир кўрсатади, уларнинг ўзига хос томонларини белгилайди, у ёки бу фаолият усуллари ва эҳтиёжни қондирадиган предметлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради [5].

Социолог Маслоу назариясига кўра, эҳтиёжлар тузилишини пирамида сифатида ифодалаш мумкин, унинг негизида физиологик эҳтиёжлар: озиқ-овқат, сув, бошпана, кийим-кечак, жинсий алоқа ётади. Бир қадам юқорироқ ижтимоий эҳтиёжлар: қашшоқликдан, касалликдан, жиноятдан ҳимоя қилиш. Кейинги босқичда маънавий эҳтиёжлар: мулоқот, дўстлик, севги. Бундан ҳам юқорироқ ҳурматга бўлган эҳтиёж ва пирамиданинг энг юқори нуқтаси – ўзини ўзи англаш, ижодкорлик. Шундай қилиб, ҳаётда асосий ўрин моддий эҳтиёжларга берилади [4].

Моддий эҳтиёжлар – инсон пайдо бўлиши билан юзага келиб, улар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқалар. Маънавий эҳтиёжлар – жамиятнинг ривожланиши натижасида юзага келиб, улар билим олиш, дам олиш, даволаниш ва бошқа хизматлар. Ижтимоий эҳтиёжлар – меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжлар бўлиб, инсоннинг мақсадли фаолиятини белгилаб беради.

Кишилиқ жамияти тараққиётига назар ташласак эҳтиёжларни юксалиб боришини кўрамиз. Эҳтиёжларни узлуксиз ўзгариб туриши ҳар қандай жамиятга хосдир. Фанда инсоннинг эҳтиёж чексизлиги, доимо юксалиб бориши аллақачонлар қайд этилган. Қондирилган эҳтиёж янги эҳтиёжларни келтириб чиқариши халқда «Инсоннинг кўзи тупроққа тўлганда тўяди» деган нақл келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ҳозирги назариячилар эҳтиёжлар чексиз, улар ўсишининг тўхташи, жамият ҳаётини тўхташини билдиради деб эътироф этишади. Эҳтиёж ўсмаганда эди, ишлаб чиқаришни тараққий этишига зарурат бўлмас эди [6].

Моддий истеъмол – бу инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун турли хил маҳсулотлардан фойдаланиши. Бу маҳсулотларга биринчи навбатда кийим-кечак, поябзал, хизматлар, уй-жой, озиқ-овқат киради. Ушбу эҳтиёжларни минимал даражада қондирмасдан, инсон мавжуд бўлолмайди. Қолаверса, камбағал одамлар деярли барча даромадларини ана шу эҳтиёжларга сарфлайди. Унинг молиявий аҳволи мустаҳкамланганда, одам озиқ-овқатга катта миқдорда пул сарфлайди, овқатини яхшироқ қилишга ҳаракат қилади. Аммо фаровонлик ошгани сайин, бу харажатларнинг улуши фақат маълум чегараларгача ошади. Бошқа томондан, қимматбаҳо кийим-кечак, бардошли буюмлар ва ўйин-кулгиларни сотиб олиш зарурати ортиб бормоқда. Инсон ўзининг моддий эҳтиёжларини қондиришда истеъмолчига ботиб кетмаслиги муҳим, бу моддий неъматларни инсон ҳаётининг энг олий қадрияти сифатида илгари суриш билан тавсифланади.

Биринчи ва асосий маънавий эҳтиёж – билимга бўлган эҳтиёж. Ҳатто Аристотель ҳам шундай ёзган эди: “Барча одамлар табиатан билимга интиладилар”. Инсон билимга бўлган эҳтиёжини таълим, илмий фаолиятда иштирок этиш орқали қондиради. Эстетик эҳтиёжлар инсоннинг гўзалликка қўшилиш, адабиёт, расм, мусиқа, табиатни ҳис қилиш ва тушуниш истаги билан боғлиқ. Маънавий мулоқотга бўлган эҳтиёж инсоннинг дўстликка, севгига бўлган истагини англатади. Ушбу эҳтиёжнинг намоён бўлиши – ҳамдардлик, биргаликдаги ижодкорлик, фикр алмашиш, маънавий ва психологик ёрдамдир. Инсон дунёни, ўзини, ҳаётининг мазмуни ва мақсадини билишга интиладиган даражада маънавийлидир. Маънавий эҳтиёжлар даражасига шахснинг таълим даражаси, умумий маданияти таъсир қилади. Инсоннинг билими ва маданияти қанчалик юқори бўлса, маънавий эҳтиёжларини қондириш учун шунчалик кўп пул ва вақт сарфлайди. Маънавий эҳтиёжлар ва модага таъсир қилади.

Маънавий истеъмол моддий истеъмолдан фарқ қилади. Моддий неъматлар истеъмол жараёнида ўз қийматини йўқотади. Қадрият сифатида эскирган кийим-кечак, поябзал энди мавжуд эмас. Маънавий қадриятлар узоқ вақт, кўп одамлар томонидан ва қайта-қайта ишлатилиши мумкин. Маънавий истеъмолнинг биринчи хусусияти шундаки, маънавий қадриятлар истеъмол жараёнида йўқолмайди, улар инсоннинг маънавий оламини бойитади, унинг мулкига айланади. Иккинчи хусусият – маънавий истеъмол айна пайтда маънавий ишлаб чиқариш жараёнидир. Ҳар қандай инсон маънавий қадриятларни ўз тажрибаси призмаси орқали қабул қилади ва бу ҳар доим ақл ва қалб учун ишдир.

Инсон туғилибдики, моддий қадриятлари ва эҳтиёжлари ўзгариб боради. Глобаллашув даврида инсонга зарур бўлган эҳтиёжлар фан-техника ривожланиши асносида ўзгариб борадилар. Мисол учун, инсон яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжлар: электромобиль сотиб олиш, замонавий уй-жой қуриш, кийим-кечак сотиб олиш ва смарт телевизор.

Юқоридаги моддий эҳтиёжлар глобаллашув даврида эскириб, унинг ўрнини янги турдаги эҳтиёжлар эгаллайди. Мустақил Ўзбекистон тараққиёт даврида жамиятимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш мақсадида рақамлаштириш сиёсати амалга оширилмоқда. Босқичма-босқич жамиятимиз ҳамда инсонларнинг бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжлар янгиланиши кўзда тутилган. Эҳтиёжлар ўзгариши натижасида моддий қадриятлар ҳам янгиланиб боради. Мисол учун, ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш учун илм-фанни ривожлантириш муҳим ҳисобланадики, бу борада хорижий тилларни ўрганиш талаби келиб чиқмоқда, хорижий тилларни ўрганиш инсонлар орасида оммалашган сари бу ҳам маънавий эҳтиёжга айланиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёнида юзага келган муаммолардан яна бири – бу, миллий-маънавий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда кириб келаётган бегона маданиятнинг жамият тараққиёти талабларига мос келувчи ижобий томонларини қабул қилишдаги маънавий савияни кўтариш, барча ташқи таъсирга хушёрлик иммунитетини ҳосил қилишдир.

Мамлакатимиздаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ислохотлар глобаллашув жараёни кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган бир шароитда амалга оширилмоқда.

Бу жараён билан боғлиқ бир қатор вазифалар мавжуд бўлиб, улардан бири – глобаллашув натижаларидан давлатимиз манфаатлари йўлида фойдаланиб, уларни жамиятимизнинг барқарор тараққиётига хизмат қилдиришга эришиш ҳамда Ўзбекистон глобаллашув жараёнида кузатувчи бўлиб эмас, унинг фаол иштирокчиси ва унга таъсир эта олувчи субъект сифатида қатнашишини таъминлашдан иборат.

ИҚТИБОСЛАР

1. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. (Сиёсий-фалсафий таҳлил)Т.:“Янги аср авлод”, 2008 й, 8-бет.
2. <https://www.socionauki.ru/journal/articles/253174/>
3. <http://oldconf.neasmo.org.ua/node/2365>
4. https://uz.wikipedia.org/wiki/Maslouning_ehtiyojlar_piramidasi
5. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ehtiyojlar>
6. <https://fayllar.org/ehtiyojlar-va-ularning-inson-hayotidagi-orni-ehtiyojlar-turlar.html?page=3>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**